

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Иқтисодий тараққиёт**  
**ва камбағалликни**  
**қисқартириш вазирлиги**

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тайёрланган ва Қўмигага (project.gov.uz орқали) юборилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини янада ривожлантириш ва соҳада соғлом рақобат муҳитини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (ID-22653 (V-1) лойиҳасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Қарор лойиҳасининг 1-бандида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 1 январга қадар тармоқда фаолият юритувчи барча қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг **маҳаллий ишлаб чиқарувчилар**, ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган эҳтиёт ва бутловчи қисмларни **импорт қилишда**, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича божхона божидан озод қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилиши кўрсатилган.

Юқоридаги имтиёзлар республикасида ишлаб чиқарилмайдиган эҳтиёт ва бутловчи қисмларга тадбиқ этилишини, шунингдек мазкур товарларга нафақат ишлаб чиқарувчиларнинг, балки техникадан фойдаланувчилар ва улгуржи савдо корхоналарининг ҳам эҳтиёжлари мавжудлигини инобатга олиб, истеъмолчиларга ва хўжалик юритувчи субъектларга тенг рақобат шароитини таъминлаш мақсадида қарор лойиҳасининг 1-бандида “тармоқда фаолият юритувчи барча қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг **маҳаллий ишлаб чиқарувчилар**” сўзларини “хўжалик юритувчи субъектлар” сўзлари билан алмаштириш лозим.